

Риёзус солихийн шарҳи / Хаё ва унинг фазилати ҳамда у билан  
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 530-ҳадис

530 - وَعَنْ أَبِي عَبْدِ اللَّهِ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: بَعَثَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَمَرَ عَلَيْنَا أبا عُبَيْدَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ نَتَلَّقِي عَيْرًا لِقُرَيْشٍ، وَزَوَّدَنَا جِرَابًا مِنْ تَمْرٍ لَمْ يَجِدْ لَنَا غَيْرَهُ، فَكَانَ أَبُو عُبَيْدَةَ يُعْطِينَا تَمْرَةً تَمْرَةً، فَقِيلَ: كَيْفَ كُنْتُمْ تَصْنَعُونَ بِهَا؟! قَالَ: نَمَصُّهَا كَمَا يَمَصُّ الصَّيِّ، ثُمَّ نَشْرَبُ عَلَيْهَا مِنَ الْمَاءِ، فَتَكْفِينَا يَوْمَنَا إِلَى اللَّيْلِ، كُنَّا نَضْرِبُ بِعَصِينَا الْحَبْطَ، ثُمَّ نَبْتَلُّهُ بِالْمَاءِ فَتَأْكُلُهُ. وَانْطَلَقْنَا عَلَى سَاحِلِ الْبَحْرِ، فَرَفَعَ لَنَا عَلَى سَاحِلِ الْبَحْرِ كَهَيْئَةِ الْكَثِيبِ الضَّخْمِ، فَأَتَيْنَاهُ؛ فَإِذَا هِيَ دَابَّةٌ تُدْعَى الْعَنْبَرِ، فَقَالَ أَبُو عُبَيْدَةَ: مَيْتَةٌ، ثُمَّ قَالَ: لَا، بَلْ نَحْنُ رُسُلُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَفِي سَبِيلِ اللَّهِ، وَقَدْ اضْطُرِرْتُمْ فَكُلُوا، فَأَقَمْنَا عَلَيْهِ شَهْرًا، وَنَحْنُ ثَلَاثُ مَعَةٍ، حَتَّى سَمِينَا، وَلَقَدْ رَأَيْتُنَا نَعْتَرِفُ مِنْ وَقْبِ عَيْنِهِ بِالْقِلَالِ الدُّهْنِ، وَنَقْطَعُ مِنْهُ الْفِدَرَ كَالثَّوْرِ - أَوْ كَقَدْرِ الثَّوْرِ - . وَلَقَدْ أَخَذَ مِنَّا أَبُو عُبَيْدَةَ ثَلَاثَةَ عَشَرَ رَجُلًا فَأَقْعَدَهُمْ فِي وَقْبِ عَيْنِهِ، وَأَخَذَ ضِلْعًا مِنْ أَضْلَاعِهِ فَأَقَامَهَا، ثُمَّ رَحَلَ أَعْظَمَ بَعِيرٍ مَعَنَا، فَمَرَّ مِنْ تَحْتِهَا، وَتَزَوَّدْنَا مِنْ لَحْمِهِ وَشَائِقِ، فَلَمَّا قَدِمْنَا الْمَدِينَةَ أَتَيْنَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَكَرَرْنَا ذَلِكَ لَهُ، فَقَالَ: «هُوَ رِزْقُ أَخْرَجَهُ اللَّهُ لَكُمْ، فَهَلْ مَعَكُمْ مِنْ لَحْمِهِ شَيْءٌ فَنُطْعِمُونَا؟» فَأَرْسَلْنَا إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْهُ فَأَكَلَهُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ [1935].

«الجراب»: وعاءٌ من جلدٍ معروفٍ، وهو بكسر الجيم وفتحها، والكسر أفصح.

قوله: «نمصها» بفتح الميم «والحبط» ورق شجرٍ معروفٍ تأكله الإبل. «والكثيب» التل من الرمل،

«وَالْوَقْبُ»: بِفَتْحِ الْوَاوِ وَإِسْكَانِ الْقَافِ وَبَعْدَهَا بَاءٌ مُوَحَّدَةٌ، وَهُوَ نَثْرَةُ الْعَيْنِ «وَالْقِلَالُ» الْجِرَارُ،  
«وَالْفِدْرُ» بِكَسْرِ الْفَاءِ وَفَتْحِ الدَّالِ: الْقِطْعُ. «رَحَلَ الْبَعِيرَ» بِتَخْفِيفِ الْحَاءِ: جَعَلَ عَلَيْهِ الرَّحْلَ،  
وَ«الْوَشَائِقُ» بِالشَّيْنِ الْمُعْجَمَةِ وَالْقَافِ: اللَّحْمُ الَّذِي قُطِعَ لِيُقَدَّدَ، وَاللَّهُ أَعْلَمُ.

530. Абу Абдуллоҳ Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Убайдани амир қилиб, бизни Қурайшнинг карвонини тўсиб чиқиш учун жўнатдилар ва бизга бир халта хурмо бердилар. Бизга беришга шундан бошқа нарса топа олмадилар. Абу Убайда бизга (қунига) бир донадан хурмо берарди». «Уни нима қилар эдинглар?» дедим.

У шундай деди: «Уни гўдак сўргандек сўриб, кейин устидан сув ичар эдик, шу бизга ўша куни кечгача кифоя қилар эди. Ҳассаларимиз билан барг қоқиб, кейин уни сув билан намлаб ер эдик. Кейин денгиз соҳили бўйлаб юрдик. Бир пайт денгиз соҳилида йирик қум тепалигига ўхшаган нимадир кўтарилди. Яқин келиб қарасак, анбар деган жонивор экан. Абу Убайда: «Ўлимтик-ку», деди. Кейин: «Йўқ, биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг элчиларимиз, Аллоҳ йўлидамиз. Биз музтар бўлдик, еяверинглар», деди. Биз уч юз киши эдик. Биз уни бир ой еб, ҳатто семириб кетдик. Эсимда, унинг кўз косасига хумларни ботириб, ёғ олар эдик, ундан ҳўкизни бўлақлагандек [ёки «ҳўкиздеқ»] бўлақлар кесиб олар эдик. Абу Убайда бизни унинг кўз косаси ичига ўтқазган эди, ўн уч киши сиғди. Унинг қовурғаларидан бирини олиб тиккалади-да, кейин энг катта туямизни миниб, ўшанинг остидан ўтди. Унинг гўшtidан қоқлаб, ғамлаб олдик. Мадинага келгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб, у зотга буни айтган эдик, у зот: «**У Аллоҳ сизларга (денгиздан) чиқариб берган ризқдир. Ёнингизда унинг гўшtidан бироз борми, бизни ҳам меҳмон қилсангиз?**» дедилар».

*Имом Муслим ривояти.*

**Шарҳ:** Анбар – китнинг бир тури, кашалот. Унинг ичидан анбар деган хушбўй модда олингани учун шундай аталган.

Ушбу уч юз отликнинг юриши кўпроқ «Сайфул баҳр ғазоти» номи ила машҳур.

Гуруҳнинг амири бўлган Абу Убайда машҳур саҳобий бўлиб, тўлиқроқ исмлари Омир ибн Абдуллоҳ ибн ал-Жарроҳ розияллоҳу анҳудир. У киши жаннат башорати берилган ўн кишининг бирлари, музаффар лашкарбоши бўлган зотдирлар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрлари ила Аллоҳнинг йўлида жиҳодга чиққан бу саҳобийлар гуруҳи катта қийинчиликларга дуч келганлар. Бошқа ривоятларда айтилишича, таомлар озлигидан Абу Убайда розияллоҳу анҳу ҳамманинг таомини тўплаб, оз-оздан тановул қилишни йўлга қўйганлар. У ҳам тамом бўлганидан кейин, ушбу ривоятда зикр қилинганидек, дарахтларнинг баргини ейишга мажбур бўлганлар. Бу қийинчиликларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг дини йўлида бўлгани улар учун шарафдир.

Чин дилдан «Аллоҳ» деган бандани Аллоҳ таоло қаровсиз қолдирмайди. Ушбу гуруҳ ҳам чин дилдан «Аллоҳ» деган экан, Аллоҳ таоло Ўзи уларнинг мушкулени кушойиш қилди.

**«Бас, денгиз «анбар» деб номланувчи улкан балиқни отиб чиқарди. Биз уни ярим ой давомида едик. Мойини жисмларимизга суртдик. Жисмларимиз яхши ҳолга келди».**

Дарҳақиқат, уч юз жангчига ярим ой муддат давомида таом бўлган «анбар» жуда ҳам улкан денгиз жонивори бўлган. Бошқа ривоятларда, уни еб семириб кетдик, дейилганини эътиборга олсак, уни тергаб-тежаб эмас, бемалоллик билан еганлари келиб чиқади. Албатта, мазкур гўштни сақлаш, айниб қолмаслиги чораларини кўриш бўйича ўша вақтнинг услублари қўлланган бўлади.

Қаранг, очликдан дарахт баргларини ейишга мажбур бўлиб турган кишиларга Аллоҳ таоло Ўзи ғойибдан ризқ ато қилиб, турар жойларидагидан ҳам яхши ҳолатни вужудга келтириб берган!

Ривоятнинг давомида мазкур денгиз ҳайвонининг катталигини баён қилиш учун баъзи миқёслар келтирилади:

**«Абу Убайда унинг бир қовурғасини олиб тиклади. Отлик одам унинг тагидан ўтди».**

Мазкур «анбар» ана шунчалик улкан экан. Албатта, у пайтларда метрлаб ўлчаш муомалада бўлмаган ва кишилар ўз услублари билан қиёслаганлар.

**«Ичимиздан бир киши очлик шиддатлашганда учтадан, учтадан тую сўйиб турар эди. Абу Убайда уни (бу ишдан) қайтарди».**

Мазкур саҳобалар гуруҳининг очлиги кучайиб, ҳожат тушганда учтадан,

учтадан туя сўйиб турадиган қассобларининг исми Қайс ибн Саъд ибн Убода ал-Ансорий бўлган.

Агар, ҳар куни ёки икки кунда бир туя сўйилиб турарди, деб фараз қилсак ҳам мазкур «анбар» тахминан 25-45 туянинг ўрнини босган бўлади. Чунки, у қирғоққа тушиб, саҳобаларга таом бўла бошлаганидан кейин Абу Убайда розияллоху анху ўз қассобларини туя сўйишдан тўхтатган эканлар.

Ушбу ривоятни келтиришдан мақсад мазкур денгиз ҳайвонининг ҳалол эканини баён қилишдир. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳаётлик даврларида саҳобалар ичида ҳаром иш содир бўлса, Аллоҳ таоло дарров огоҳлантирар эди. Ярим ой «анбар»ни есалар ҳам огоҳлантириш келмаганидан, у нарса ҳалол экани келиб чиқади.

Бунинг устига, бошқа ривоятларда таъкидланишича, Абу Убайда розияллоху анхунинг гуруҳи Мадинаи мунавварага қайтиб келиши билан, бўлиб ўтган нарсани Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга айтиб, мазкур ҳайвон ҳақида сўраганлар. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам Аллоҳ таоло сизларга уни таом қилиб чиқариб берибди, гўшtidан қолган бўлса, бизга ҳам беринглар, деган маънода гап айтганлар.

Ушбу ҳадиси шарифдан оладиган хулосаларимиз:

1. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам, кези келганда, душман карвонларини пойлаш учун жангчи гуруҳлар юбориб турганлари.
2. Давлат бошлиғи томонидан маълум вазифани бажариш учун юбориладиган гуруҳга амир тайинлаш лозимлиги.
3. Саҳобаи киромлар Аллоҳ таоло йўлида қаттиқ машаққатлар тортганлари.

Ушбу гуруҳнинг аъзолари очликдан дарахт баргларини еганлари шунинг далилидир.

4. «Анбар»га ўхшаш улкан денгиз ҳайвонларининг гўштини ейиш, мойини баданга суртиш жоиз экани.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI

